



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 178 (8168).

20 сентябрь, 1983 йил

СЕШАНБА

Баҳоси 3 тийин

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

си пахтакорларига яқиндан ёрдам беришарди. Ўн тўрт кишидан иборат бу ота-хоналар бригадасига Абдуқайюм ота Тошмуродов бошчилиги қилмоқда. Бригада аъзолари баҳоли қудрат меҳнат қилиб, кунига хирмони 300—400 килограмм пахта

тўкишмоқда. Мавсумда уч-тўрт тоннадан «оқ олтин» теришга астойдил бел болаган Абдурауф ота Нишон, Ботирли ота Пулатов, Қоракўзи ота Отабоев ва Ортиқ ота Ҳагеновлар кунига 30—35 килограммдан пахта теришмоқда.

«ОҚ ОЛТИН»



ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 19 СЕНТЯБРГАЧА
БУЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Биринчи устун—районлар, иккинчи устун—бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун—мавсум бошидан буён, тўртинчи устун—шу жумладан бир кунда машинада, бешинчи устун—мавсум бошидан буён (планта нисбатан процент ҳисобида).				
Янгийул	1,10	6,59	0,24	0,24
Бекобод	1,10	6,22	—	—
Пискент	1,00	5,85	—	—
Оққўрғон	1,00	5,55	0,36	0,72
Коммунистик	1,00	5,49	—	—
Бўқа	1,10	5,45	—	—
Чиноз	0,80	5,05	—	—
Урта Чирчиқ	0,91	4,33	—	—
Ғалаба	0,71	2,68	0,66	1,36
Область бўйича	0,97	5,18	0,15	0,30

МУСОБАҚАДОШЛАР ОЛИСНИ

КУЗЛАМОҚДАЛАР ОҚҚЎРҒОН.

«Коммунизм» колхозининг Хайбат Тураҳужаев ҳамда Вотицев номи колхозининг республикада хизмат кўрсатган пахтакор Абдували Расулматов бошлиқ бригадалари пахтакорлари ҳар гектар ердан 50 центнердан хирмон уйиш учун курашни авж олдириб юборишган. Бу икки мусобақадор бригадалар далада айна кунларда ҳосил йиғим-терими уюшқонлиқ билан ўтказилляпти. Х. Тураҳужаев бошлиқ бригаданинг Каниз Умарова, Хосият Пирматова, А. Расулматов бошлиқ бригаданинг эса Муборак Исмаилов ҳамда Шаҳодат Ваҳобовлар каби чевар теричилари кунига хирмони 160—180 килограммданга етказиб пахта тўкишляпти. Улар мавсумда 10—12 тоннадан «оқ олтин» теришга аҳд қилишган.

РАҲМАТ, ОТАХОНЛАР

БЕКОВОД. «КПСС XXV съезди» совхозининг 4-бўлимида истиқомат қилувчи бир группа пенсионер отахонлар шу бўлимининг Муҳсин Си-рокиддинов бошлиқ брига-
да

ФАТЛИ ҲОСИЛ ОЛИШ УЧУН

КУРАШЛЯПТИ. ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕ-

римига пухта ҳозирлик кўрган бригада доҳирлар кунлик ўсишда тобора яхши натижаларга эришишмоқда. Кун кеча бригадала йиллик планнинг 5,5 проценти миқдорда пахта тайёрланди. Бу ютуқнинг қўлга киртилишида мавсумда 250 тоннадан «оқ олтин» теришга аҳд қилган илгир механик-ҳайдовчилар Тоир Турсунов ва Қурол Умрзоқовларнинг хизмати катта бўляпти.

ЗАРБДОР ОТЯДЛАР

Район комсомол-ёшлари бу йил ҳам пахта йиғим-теримида актив қатнашмоқда. Шу мақсадда 7 та комсомол-ёшлар зарбдор отрядлари тўзишган бўлиб, унга 500 дан зиёд киши бирлашган. Шу кунгача зарбдор отрядлар аъзоларининг терган пахтаси 130 тоннадан ошиб кетди. Комсомол-ёшлардан Фарид Исроилова, Гулсал Ражабова, Холида Аноркулова, Зуҳра Давроновлар кунига 170—200 килограмдан пахта териб, бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Уларнинг ҳар бири мавсумда 10 тоннадан «оқ олтин» йиғиштириб олишга сўз беришган.

ҲАР МАШИНАДА

8 ТОННАДАН

Бўқа. Фрунзе номи колхоз пахтакорлари кундан-кунга терим суръатини ошириб боришмоқда. Кун кеча ҳўжалида йиллик планга нисбатан 4,35 процент миқдорда пахта тайёрланди. Шу кунги колхоз далаларида 13 та «зангори кема» юксак унум билан ишлади. Уларнинг ҳар бири букиридан ўртача саккиз тоннадан «оқ олтин» тўкилди. Илгир механик-ҳайдовчи Имом Пулатовнинг бир кунда терган пахтаси 18 тоннага етди. Мавсумда «зангори кема» букиридан 250 тонна «оқ олтин» тўкишга аҳд қилган бу «пулат от» суворисининг шу кунгача терган пахтаси 30 тоннадан ҳам ошиб кетди. Шу кунги Эсон Оминов ҳам 11 тонна пахта теришга эришди. У бу йил 250 тонналик марванни кўзлаб меҳнат қилапти.

ШИФОКОРЛАР ХИЗМАТДА

Район марказий саласхонаси томонидан ташкил этилган кўча амбулатория ҳамда кўча стоматология кабинетлари айна кунларда дала шийонларининг ўзида пахтакорларга намунали хизмат кўрсатишмоқда. Врачлардан Бахриддин Эргашев, Борис Тен, Бахтиёр Сиддиқовлар хизматидан меҳнаткашлар мамнун бўлишляпти. Улар дам олиш соатларида беморларга амалий ёрдам кўрсатиш билан бирга, санитария-гигиена қоидаларига оид лекция ва суҳбатлар ҳам ўтказилляпти.

БИР КУНДА 5,5 ПРОЦЕНТ

Пискент. Тельман номи колхозининг Абдулла Аширов бошлиқ бригадаси заршунслари мазкур йилда 115 гектар пахта майдонидан 45 центнердан си-

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ


«СОҲИБКОР»

МАРРАГА ЕТДИ

Паркент районидagi «Соҳибкор» совхози давлатга картошка сотиш йиллик планини бажарди. Шу кунгача пландаги 250 тонна ўрнига 253 тонна юқори сортли картошка, 408 тонна сабзавот етиштирилиб, бу соҳадаги тошхирчилар ортиги билан адо этилди. Мусобақадор Энгельс номи совхоз соҳибкорлари ҳам мева тайёрлаш йиллик планини ошириб бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Давлатга 635 тонна сархил мева-лар етказиб берилди. М. МИРКАМОВ.

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

Калинин номи совхозининг Паркент район Совети депутатиди Мирсават Ҳосидов бошлиқ 2-бўлими соҳибкорлари узум тайёрлаш йиллик планини ошириб бажардилар. Ҳосидов кирган 40 гектарлик майдондан пландаги 285 ўрнига 315 тонна узум тошхирилди. Бўлим иришкорлари яна 100 тонна узум сотишга аҳд қилдилар. Мева тайёрлаш йиллик плани ҳам ортиги билан бажарилди. Коллектив аъзолари 375 тонна ўрнига 450 тонна юқори сортли мева тошхириб, яна 50 тонна ҳосил йиғиштириб олишга сўз бердилар. Эришилган бу ютуққа пландаги 130 тонна ўрнига 150 тонна узум, 93 тонна ўрнига 112 тонна мева тошхирган Х. Тожибоев бошлиқ бригада аъзолари муносиб ҳисса қўшдилар. Б. АХМЕДОВ.



• Ташаббускорлар минбари

ҚИСКА ФУРСАТДА

Пахтакорлик менга ота касб. Шунинг учун ҳам мустақил ҳаётга қадам қўйишим биланоқ ҳеч иккиланмай умримни деҳқончиликка бағишляшга аҳд қилганман. 20 йил механизаторлик қилдим. Ана шу давр мобайнида пахта етиштиришнинг сир-асорларини кўнгил билан ўргандим. Ўл ҳурматини қозондим. 1979 йили эса мени ўзим меҳнат қилаётган бригадага бошлиқ қилиб тайинляшди. Қўлчиларнинг ишончини оқлаш учун бутун вужудим билан ишга киришдим. Устозлар тажрибаси — катта ҳаёт мактабидир. Мен, ҳар бир ишда уларнинг маслаҳати, йўл-йўриғи, мададида суяндим. Механизаторлик касбини яхши билишим жуда қўл келди. Натияжада биринчи йилнинг ўзидаёқ ҳосилдорлик ўтган йиллардагига нисбатан гектар босига ўн центнерданга ортиди. Мазкур йилда коллективимиз мавжуд 120 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 55 центнердан ҳосил олиш, беш йилликни тўрт йилда бажариш ташаббуси билан чиққан. Бу та-

БЕКОВОД. [Телефон орқали олинди].

Кеча сувин кўпурқ шарбат етиштирилган шолчиликнинг дастлабки тонналарини қабул пунктларига топширдилар. Бу ҳосилнинг асосий қисми шолчиликка ихтисослашган «Октябрь 46 йиллиги» совхоз механизаторларининг маҳсулидир. Шу кунги шолчиликнинг меҳнат байрами — ҳосил байрамига бағишланган йилгиш бўлиб ўтди. Мининг район партия комитетининг биринчи секретари Эгамназар

«ҚИРМИЗИ ДОН» ХИРМОНЛАРИ

Хатматов очди. У «қирмизи дон» окторларининг бу йилги оғир шароитда шолдан мўл ҳосил етиштирилганликлари ва уни тезроқ йиғиштириб олиш йўлидаги ишлари ҳақида гапирди. Йилгишда сўзга чиққан «Октябрь 46 йиллиги» совхозининг директори Носиржон Маматқулов ўн биринчи беш йил-



Коллективнинг Сергей Ли, Яков Юн, Кундуз Эсонтурдиев ва ўртоқлар бошчилигидаги бригадалари шолчиликлар зарбдор йилда камида 80 центнердан, Меҳмон Олтишев, Машираб Қўчқоров ўртоқлар етакчилигидаги коллектив меҳнаткашлари эса 70 центнердан «қирмизи дон» йиғиштириб олиш учун кураш олиб боришмоқда. «Урмин 20 миш кунда ту-галляймиз». Бу совхоз механизаторларининг шори. Юрий Бородин, Эдуард Ким, Лев Ким, Қодир Ҳошимов, Яўдош Шодиев, Раим Махмудов каби оловқалб механизаторлар кунига 20—30 тоннадан дон янчиб хирмонга барка киритмоқдалар.

СУРАТДА: «Октябрь 46 йиллиги» совхоз шолчи-ларининг дўзил карвони, А. Мальцев фотосу.

Партия турмуши: терим ва коммунистлар

95 ПРОЦЕНТИ МАШИНАДА

Яқинда бўлиб ўтган ҳисоб-саноат йилигида биз кейинги бир йил давомида бажариладиган ишларни чуқур таҳлил этиш билан бирга коммунистларнинг асосий этиборини масъулиятли мавсум — «оқ олтин» ҳосили йилиги-теримини муваффақиятли ўтказишга, омма ўрасида олиб бориладиган сий-сий-тарбиявий ва ташкилотчилик ишларини янада кучайтиришга қаратдик.

Партия ташкилотимизга 60 коммунист ва уч партия аъзоллигига кандидат бirlашган. Улар бешта далачилик ва битта боғдорчилик бригадаларида меҳнат қилмоқдалар. Бу йил участкамиз меҳнат аҳли 270 гектар ерда пахта, 311 гектар ерда напон, 171 гектар ерда маккажўхори етиштирилди. Эрта баҳордан қилган меҳнатимиз самараси бугунги кунда кўзга яққол ташланиб турипти. Маккажўхориқорларимиз гектар бошига 100 центнерга етказиб дон ҳосили йилиги-теримини олдидлар. Напон-зорлардан эса 240 центнердан ошади бўлиб олинди. Энди бутун эътибор пахта йилиги-теримини муваффақиятли ўтказишга қаратилган.

Пахтақорларимиз бу йил ҳар гектар майдондан 45 центнердан «оқ олтин» ҳосили йилиги-теримини олишга сўз

берганлар. Етиштирилган ҳосилнинг 95 проценти «зангори кема»лар ердамида йилиги-теримини олишди. Шу мақсадда биз ўғзаларни эрта баҳордан бошлаб машинабоп қилиб ўстиришга алоҳида эътибор бердик. Ҳозир пайкалларда бирор тул ҳам берона ўт кўринмайди. Озуқага гўйган, сувга қонган дуркун ўғзалар шохда қўсақлар шигил-шигили. Улар энди ёппасига очилайти. Сентабрийнинг иккинчи ярмидан бошлаб оммавий усулда машина теримини бошлаб юборамиз.

Терим олдидан барча пайкаллардаги ўғзалар дефолиация қилинди. Дефолиацияни сифатли ўтказиш диққат марказимизда бўлди. Олти йилдирки, биз ўғзаларни «ОВХ» машиналари ердамида дефолиация қилмоқдамиз. Бу усул атроф-муҳитни заҳарли химикатлардан муҳофаза қилишда, дефолиацияни сифатли ўтказишда бизга кўл келяпти. Айни пайтда дефолиация қилиш ҳужайимизга катта иқтисодий самара ҳам берипти. Бу йил ҳам 5 сентябрда ОВХлар тула ишга туширилди. Қисқа муддатда дефолиация ишлари сифатли тугалланди.

Бундан олдинроқ эса қол-хос бўйича тузилган махсус комиссия даладарини айланиб

чиққан эди. Улар ҳар бир карта машина теримига қандай тайёргарликни қўйишдан кечиринди ва акт билан қабул қилиб олишди. Дефолиациядан сўнг баргларнинг түзилиши ва қўсақларнинг очилиши яна ҳам тезлашди. Мана энди пахта сий-сий-тарбиявий машиналарини олиб чиқиш мумкин.

Участкамизда 10 та терим машинаси, 75 та тележка бор. Мавсум олдидан уларни тула ремонтдан чиқариб қўйдик. Шу ўринда машина қисмларини тақомиллаштириш бўйича қилинган айрим ишларни ҳам тилга олиб ўтмоқчиман. Машиналарга қўйилган шпинделларни йлгари тез-тез ювиш талаб этилади. Шпинделларни ювиш пайтда механизаторлар кўп вақтни йўқотишарди. Бу йил биз янги шпинделлар ўрнатдик. Уларни дамбадан ювиш шарт эмас, узок муддат бегўхот ишлабегуради. Бу тадбир бир томондан иш суръатини оширса, иккинчи томондан териб олинган пахта сифатини яхшилашга ҳам беради. Ахир бу йил биз қарийб 90 процент пахта факат биринчи сортларга топиришга сўз берганмиз.

Терим машиналарининг бегўхот ишлашини таъмин-

лаш мақсадида уларнинг ҳар бирига иккитадан механизатор бириктириб қўйилган. Терим олдидан ўтказилган конкурсда улар ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Цех партия ташкилоти терим даврида механизаторларнинг тула қувват билан ишлашларини таъминлаш мақсадида улар ўртасида «мусобақа шартларини ишлаб чиқди. Ҳар бир механизатор ўз зиммасига аниқ мажбуриятлар қабул қилган. Масалан, 18-бригада механизатори Шуҳрат Эргашев ҳам йилги мавсумда ўз аргатети билан 160 тонна «оқ олтин» териб беришга ваъда қилган. 16-бригада механизатори Солибодил Эргашев ҳам шундай мажбурият олган. Шу тариқа икки механизатор ўртасида мусобақа шартномаси тузилди. Рустам Жўраев ва Тўхтабой Ўтбосоров эса эл хирмонига 150 тоннадан «оқ олтин» тўкишга аҳд қилди. Механизаторлар мусобақасига ҳар кун икун асаб борилади.

Терим мавсуми учун белгиланган тадбирларда техника воситаларининг бегўхот ишлашини таъминлашга алоҳида эътибор берилган. Гараж мудири Хайрулла Яруллиннинг ташаббуси билан қўзғолган кўча устакхона мавсум давомида даладарини

айланиб юради. Устакхона слесарлари машина ва механизмларнинг ҳолатини кўздан кечириб дала бошида уларга зарур техника ердамини кўрсатадилар.

Агроном Ж. Умаров зиммасига эса машина айландиран майдонларни ва ўқ ариқларини текислаш, даладарини машина теримига мослаш вазифаси юкланган эди. Бу вазифа муваффақиятли бажарилиб, техника ерда ишга солиш вазифаси механик С. Каримовга юкланган.

Бригада даладарини тузилган муваққат партия гуруҳлари барча жараёнларнинг бошини назорат қилиб турибдилар. Гуруҳ аъзолари ва комиссарлари билан ўтказилган йилгишда уларга зарур методик маслаҳатлар берилиди.

Ҳар бир кишининг мавсум давомида бажариладиган иш мавсум. Цех партия ташкилоти бюроси топирилан вазифалар қандай адо этилаётганини ўз биро мажлисларда мунтазам муҳокама давомида йилиги-терим ишларини жадаллаштиришга, мавжуд ресурсларни туларок қилиш солишга ердан берувчи конкрет тақдирлар ўртага ташланмоқда. Ҳеч шубҳа йўқки, коммунистларимиз, барча пахтақорларимиз терим мавсумини муваффақиятли ўтказадилар ва эл-юрт олдига берган ваъдаларини шараф билан бажариладилар.

А. УТАШЕВ.
Коммунист раёонидидаги «Политотдел» колхоз-иш Интернационал участкаси цех партия ташкилотининг секретари.

Хасковска ТРИБУНА

САҲИФАЛАРИДА

БОШ ПЛАН АСОСИДА

Округнинг катта шаҳарларидан бири — Димитровградда бош план асосида кенг кўламда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб боришмоқда. Фақат шаҳар турар-жой қурилишида 5 миллион левга яқин капитал маблағ ўзлаштириш кўзга тутилган.

Ҳозирги пайтда «Каме-нез» турар-жой массиви қурилиши қизиги олиб бориляпти. Бу ерда 3 минг аҳолига мўлжалланган кўп қаватли бинолар қурилмоқда. «Маяковский», «Васил Коларов», «Червононево» кварталларида ҳам янги турар-жойлар қад кўтарилди. Кўп ўтмай Георгий Димитров хибонада ихтисослаштирилган ёшлар мағазини очилди.

Шаҳарда маданият-маншйи объектлар қуришга ҳам катта эътибор бериляпти. Ҳозир 2 та маншйи хизмат кўрсатиш корхонаси ишлаб турибди. Шу йил охирида эса яна 4 та маншйи хизмат кўрсатиш объектлари очилди. Димитровградда янги боғ ва хибоналар, гулзорлар ҳам ташкил этилмоқда.

А. УТАШЕВ.

Коммунист раёонидидаги «Политотдел» колхоз-иш Интернационал участкаси цех партия ташкилотининг секретари.

ширилди. Цехда мукамал технологик жиҳозлар ўрнатилган. Унинг ишга туширилиши комбинатда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни 25 процент кўпайтириш имконини берди.

Цехнинг муддатидан илгари фойдаланишга топирилиши химия маҳсулотларини ишлаб чиқаришни анча кўпайтирди. Ҳозирги пайтда корхонада янги қувватларини ишга тушириш чоралари қурилишти.

КООПЕРАТОРЛАР ҲИССАСИ

Округ кооператорлар союзи кенг истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга катта ҳисса қўляпти. Ҳозирги пайтда «Коопром» системасида 52 та цех ишлаб турипти. Уларда 97 турда кенг истеъмол товарларини ишлаб чиқариляпти. Шу йилнинг ўзига ана шундай 4 та цех ишга туширилди.

Кооператорлар цехларида кенг истеъмол товарларини тайёрлаш учун саноат чигитлари, маҳаллий хом ашёдан фойдаланилмоқда. Бу йил кооператорлар 2,5 миллион левлик кенг истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни белгиланганлар.

ШАХСИЙ ҲУЖАЛИКЛАР РИВОЖЛАНМОҚДА

Кейинги йилларда округда аҳоли шахсий ҳужаликлари ривожланиб борапти. Бу аҳтиёжлардан ортиқча

қорвачилик маҳсулотлари, сабзавот ва мевани давлатга топиришни кўпайтиришга катта ҳисса қўляпти. Бу йил Узуново, Малено, Орлово қишлоқлари, Хасководаги «Овчарски», «Каме-нез», «Изгрев», «Войнишки», «Боларово» кварталлари аҳолиси шахсий ҳужаликларидида етиштирган қорвачилик маҳсулотлари ва сабзавотни давлатга топиришни кўпайтириш ташаббусини бошлаб бердилар. Улар ҳозирнинг ўзига қабул пунктларига 17 тонна сўт, 115 тонна сўт, 152 минг донадан кўпроқ тухум, 30 тонна сабзавот ва бошқа қишлоқ ҳужалик маҳсулотлари топиришарди.

Шахсий ҳужаликлари ривожлантириш округда қорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш кўпайтиришти. Тайёрлов ҳодимлари бу йил аҳолидан 4 минг тоннага яқин сўт харид қилишни мўлжаллаганлар.

КҲХНА ЕДГОРЛИКЛАР ЕШАРМОҚДА

Хасковонинг минг йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш муносабати билан округда тарихий ёдгорликларини таъмирлаш ишлари кучайиб кетди. Маданият ёдгорликлари илмий институтинида Георгий Стойков раҳбарлигидаги таъмирчилари ҳозирги пайтда Матонина ва Мезек қишлоқларидаги кўча аъзалар, бошқа тарихий ёдгорликларини тиклаш ишларини олиб бораётганлар. Шунингдек, Харманли ва Свинеграддаги тарихий ёдгорликлар таъмир қилинапти. Бу ишлар ниҳонсига етган, округнинг туризм бўйича совети Хаскова тарихий ёдгорликларини бўйлаб экскурсия ташкил этади.

ИҚТИСОДИЙ ОБЗОР

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШИ:

ЖИДДИЙ МАММОЛАР

КАПИТАЛ қурилиши халқ ҳужалигининг муҳим тармоқларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қурилиш аҳоли доим партия ташкилотларининг эътибор марказида бўлмоқда. Областики партия ташкилотлари КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь, 1983 йил июнь Пленумлари қарорларига амал қилиб, коммунистларнинг қурилиш ишлаб чиқариши барча иштирокчиларнинг куч-ғайратини ишга тушириладиган объектларни тез ва соз барпо этишга сафарбар этмоқдалар. Областики

да 1983 йилнинг ўтган саккиз ойида асосий фондларини ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан саккиз процент, уй-жойларни тўққиз процент кўп фойдаланишга топиришди. Капитал маблағлар 12 процент кўп ўзлаштирилди, қурилиш-монтаж ишлари эса 11 процент ошди амалга оширилди. Кўпгина коллективлар ўзларининг социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқдалар. Лекин қурилишда эришилган суръат бизни қаноатлантирмайди.

Умуман, оғанда областики буюккорлари уй-жойлар ва маданият-маншйи хизмат кўрсатувчи объектларини қуриш ва фойдаланишга топириш планларини ҳали ҳам тула бажармайлтилар. Меҳнат унумдорлиги суст ўсмакда. Муҳим аҳамиятга эга бўлган ва ишга тушириладиган объектлар, жумладан «Электротехпром» ишлаб чиқариш бirlашмасида аммиак ишлаб чиқарувчи комплекс, Узбекистон металлургия комбинатининг «300»-станция, Тошкент тўқимачилик комбинати реконструкцияси ва филиалларини қуриш, Тошкент бройлер паррандачилик фабрикаси ва бошқа айрим объектлар қурилишида қўлоқликка йўл қўйилмоқда.

Республика Қурилиш министрлигининг буюккорлик трестлари ой сайин планларини бажармайлти, лекин министрлик томонидан уларга амалий ердан кўрсатилган йўл, Узбекистон ССР Қурилиш министрлиги ва айрим буюртмачи ташкилотлар капитал қурилиш планлари мувофиқлаштирилган ва қатъий бўлиши лозимлигини ҳақидаги муҳим талабга тула амал қилмайлтилар.

Министрлик «Узбекшахтострой» трестига Ангрен резинотехника заводининг резина-газлама қонвейер лентаси ишлаб чиқариши қурилишида лозим бўлган 17,7 минг куб метр йиғма темир-бетон ўрнига ўтган икки йилда бор-йўли 4 минг куб метр ажратса, планни бажаришнинг ўзи бўлмастгиси ҳаммага аён. 160 ва 6-қурилиш трестларининг айрим объектларини янги темир-бетон етказиб беришда ҳам шундай

аҳвол ҳукм сурмоқда. Татаминотчи ташкилотларнинг аниқ ишламаслигиндан қурилиш трестлари коллективлари катта зарар кўрмоқдалар. Министрлик томонидан металл, цемент ва бошқа айрим буюккорлик материаллари учун нарядлар кўпича кечиниб берилади. Бу қурилиш маромининг бузилишига ва ҳатто тўхтаб қоллишига, тайёр қурилиш объектларини ўз вақтида иш бошлаш учун монтаж ташкилотларига берилишининг кечикишига олиб келади.

Узбекистон ССР Қурилиш

(Биринчи устун—тайёр товар қурилиш маҳсулотининг шу йилнинг тўққиз ойлик плагида нисбатан реализация қилиниши, иккинчи устун—январь-август ойларида мўлжалланган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг бажарилиши, учинчи устун — 1983 йилнинг январь-августидида 1982 йилнинг январь-августига нисбатан):

Главташкентстрой	72	100	102
Алмаликсинестрой	32	104	106
Алмаликградоострой	70	62	79
Узбекшахтострой	72	97	91
Узбекметаллургострой	—	88	129
6-қурилиш трести	53	83	117
160-қурилиш трести	101	91	118
«Ташпромстрой» ишлаб чиқариш бirlашмаси	72	90	138
Ташбелестрой	60	109	116
23-қурилиш трести	33	87	88
Паркентводострой	61	103	112
Ташоблелиновострой	87	108	112
Промжилводострой	74	109	119
Ташкентводострой	72	96	114
Ташоблелиновострой	92	102	104

Ҳозирги вақтда ишга туширилган қурилишларда энг масъулиятли палла бошланди.

Жойларда қурилиш ва монтаж ташкилотлари куч ва маблағларини жой-жойига қўйиш яна бир бор қўриб чиқилди ва бундай ресурсларини, аввало ишга тушириладиган объектларда жамлашлари керак. Бу билан сентябрь ойида фойдаланишга топирилиши планлаштирилган барча ишлаб чиқариш қувватлари, қорвачилик ва паррандачилик комплекслари, қурилишнинг сўзсиз тугатилиши таъминлаш, уй-жойлар, мактаблар, мактабга ёшдаги болалар муассасалари, касалхона ва поликлиника калар қурилишида буюккорлик ишларини кескин кучайтиришга эришиш лозим. Бу партия, совет, ҳужалик ташкилотлари раҳбарларидан қурилишларда ташкилотчилик ва сийсий ишчи кучайтириши, тўққиз ойлик план ва умуман 1983 йил планини бажариш учун бораётган социалистик мусобақага бошчилик қилишни талаб этади.

Ҳар бир район ва шаҳар партия комитети қурилиш ишига амалий таъсир кўрсатишининг кенг имкониятларига эга. Партия комитетларининг ташаббуси билан муҳим қурилишларда тузилган штаблар ишда янада жойлаштириш лозим. Бу штаблар ўз мажлисларида ишга тушириладиган объектларда

министрлигининг 23-трести, Узбекистон ССР Сува ҳўжа-аниқ ишламаслигиндан қурилиш трестлари «Ташкентводострой» шунингдек «Главташкентстрой»нинг 1, 3, 4, 6-қурилиш трестлари ва 4-уёсозлик комбинати ўз имкониятлари даражасида ишламайлти.

Областдаги етатчи қурилиш ташкилотлари томонидан шу йилнинг январь-августидида товар қурилиш маҳсулотини реализацияси ва пудрат ишлари планининг бажарилиши қўйилганча бўлди—процент ҳисобида:

яратувчилик иши якунларини ҳамда қурилишларини турли материаллар билан тўхтовсиз таъмин этиш учун буюккорлик саноати ва қурилиш индустрияси корхоналари фаолиятини муттасили кўриб чиқишлари лозим.

Қурилишнинг ҳар бир иштирокчиси объектнинг ўз вақтида ишга туширилиши учун шахсан масъул эканлигини ҳис қилмоғи керак. Бу аввало, партия аъзоларига тааллуқлидир. Қурилишда 400 та бошлангич партия ташкилоти бўлиб, уларга салкам 15 минг коммунист бirlашган. Ана шу катта кучга суяниш, уни уюшқоқлик ва интизомни оширишга йўналиш партия комитетларини бурчидир. Барча резервларини ишга солиш, бригада ҳўжалик ҳисобини, ишчи етасифатиси усулини ва коллективлар меҳнат кўрсаткичларининг яхшиланишига, айнакча, меҳнат унумдорлигининг ошишига ердан берилган бошқа илгор тажриба-ни актив жорий қилиш лозим.

Областики буюккорларни белгиланган планларини ҳамда юксак социалистик мажбуриятларни тўла-тўки бажариш учун етарли имкониятларга эгалар. Шу имкониятлардан самаралли фойдаланиш эътиборини муттасил кучайтириб бориш зарур. Шунга эришайлик, ишга туширилиш лозим бўлган барча объектлар вақтида фойдаланишга топирилинсин!

авлоди эса устоз билан бир коллективда меҳнат қилишайпти. Дадан аҳа хомон уларга намуна. У ойлик топиришларини 140—150 процентга етказиб ёш ҳамкасбларини ҳам зарбдорларга меҳнат қилишга даъват этади. Беш йиллигини муддатидан илгари бажаришга сўз берган тажрибали ҳайдовчи айни пайтда графикдан икки ой илгарилаб меҳнат қилаяпти.

А. АБДУСАТТОРОВ.



ЮКСАК ТУРМУШ МАДАНИЯТИ УЧУН.

325 МИНГ ХОНАДОН БАҲРАМАНД

Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларини газлаштириш янада ривожлантириш, уларнинг арзон «зангори олов» билан бир маромда таъминлаб туриши яхшилаш — олдинчи қўйилган топиришларини амалга оширишнинг асосий йўналишларидан бири. Бirlашма шхисият коллектив барча икки резервлардан фойдаланган ҳолда бу вазифани муваффақиятли ҳал қилиб келяпти.

Йил бошида бirlашма-нинг қўйи ташкилотлари ўртасида социалистик мусобақанинг пухта йўлга қўйилиши яхши самара бермоқда. Беш йиллигининг марказий йилида планлар барча ишлаб чиқариш бўлимларида муваффақиятли бажаришмоқда. Айниқса, республика социалистик мусобақасининг йилини деган юксак унвонга сазовор бўлган «Орхоникидегаз» идорасининг «Гулис» идорасининг «Ангренгаз» идорасининг «Янгитобод хизмати», «Алмаликгаз» идорасининг «Красногорск» участкаси барчага намуна қилиб кўрсатгудек натижалар

га эришляпти. Бу коллективларда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада методи кенг қўлчан эдирилиши натижасида шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларидида янги газ тармоқларини ўтказиш ишлари жадаллашди.

Бугунги кунда бirlашмада «Ангренгаз» идорасининг слесари Фотима Турсунова, «Букагаз» идорасининг слесари Олимжон Хидиров, «Чирчикгаз» идорасининг слесари Валентина Худякова, «Келесгаз» идорасининг слесари Зоҳид Раҳимжонов, «Янгитободгаз» идорасининг слесари Қ. Фармоновларини ҳамма яхши танийдилар. Бу ишлаб чиқариш новаторлари — социалистик мусобақа ғолибларидилар. Улар меҳнат беллашувидида барчага ибрат бўлмоқдалар.

Ютуқларимизнинг ой сайин салмоқлироқ бўла боришида илгоридаги натижа ҳиссаси каттадир. Шуниси диққатга сазоворки, улар йўлга қилинган ютуқлар билан қиёлланмайлтилар. Балки бугун кечагидан, эртанга эса бугунгидан яхшироқ

ишлашга ҳаракат қиладилар. Шунинг натижасида ютуқлар салмоғи тобора ортмоқда.

Кейинги ойларида аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш билан бирга янги газ тармоқларини қисқа муддатлар ичида қуриб битказишга эътибор кучайтирилди. Бу борада тўпланган бой тажрибадан умумлаштирилиб, улар ишлаб чиқариш асосига киритилди. Натижа ҳам чакки бўлмади. Аҳолига 1581,0 минг сўмлик хизмат кўрсатилди. 47900 метр янги газ тармоқлари фойдаланишга топиришди. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларида 4,4 минг квартира газлаштирилди. 25 минг аҳоли эса арзон «зангори оловдан» фойдалана бошладилар.

Лекин бу ҳам имкониятларимизнинг чегараси эмас. Ҳозир ҳам ишга солинмаган резервлар мавжуд. Ана шуларини ишга солиш вақти етиб келди, деб ўйлаймиз. Чўнки беш йиллик охирига бажарилиши мўлжалланган топиришлар анча муваффақиятли бўлишди.

Б. РАҲИМОВ,
«Ташобгаз» ишлаб чиқариш бirlашмасининг бошлиғи.

рақаб ва масъулиятлидир. Областики аҳоли пунктларини арзон ёқили билан таъминлаш тақомиллаштириш, моддий ресурсларини иқтисод қилиш, зарур материаллар, ёйилги, электр-энергия ва нефть маҳсулотларини тежаш, меҳнат шaroитини яхшилаш ва шу кал бoшқа қатор вазифаларни бажаришимиз лозим.

Олдинда турган вазифалар қанчалик масъулиятли бўлмасин, улар албатта, бажарилади деб қомил ишонч билан айтиш мумкин. Зотан, бугунги кунда областикида 163 минг квартира табиий газ билан таъминланган, 160 минг хонадон суйилтирилган газдан фойдаланаётганлиги, 7 мингдан зиёд коммунал ҳўжалик корхоналари, 186 завод ва фабрика табиий газ билан ишлатилганлиги ҳам бirlашма ишлаб меҳнати тўғрисида, Қолаверса, аҳли коллективимизда коммунист меҳнат зарбодори деган шарафли номга сазовор бўлган 320 новатор, 42 коммунистик меҳнат бригадаси, ўнлаб беш йиллик зарбдорлари, 30 та яқин «Ўз касбининг устаси» ишлаб турипти. Улар меҳнатташларининг турмуш шароитининг янада яхшилаш ишига муносиб ҳисса қўлиш йўлида ҳормай-толмай ишлайдилар.

Б. РАҲИМОВ,
«Ташобгаз» ишлаб чиқариш бirlашмасининг бошлиғи.

ШИНАМ УЙЛАР

«Узкопхозстрой»нинг Тошкент область қурилиш трестига қарашли Бўқа районидаги 83-копхозларда «механизациялашган кўча колонна» буюккорлари уй-жой қурилиш ишларини жадаллаштириб, яхши натижага эришмоқдалар. Колонна буюккорлари аҳолига тақдим этиладиган барча уй-жойларини барвақт фойдаланишга топириш, қўшимча объектларни қуришга киришляптилар. Йил бошидан бери улар томонидан пландаги 3290 квадрат метр ўрнига 3310 квадрат метр ҳажмдаги кооператив уй-жойлар қуриб битказилди. 239 минг сўмлик ўрнига 373 минг сўмлик буюккорлик ишлари амалга оширилди. Бу эса топиришлар 156 процентга адо этилди демаяпти.

Қишлоқ қурувчилари йил охиригача яна 230 минг сўмлик иш бажариб, 2 минг квадрат метрга яқин турар-жой биноларини қуриб битказишга сўз беришди. Айли кунларда ана шу юксак мажбуриятни бажариш мақсадида коллективларда социалистик мусобақа авж олдирилди. Бу ҳаракатда Г. Мунлагулов, В. Марков, М. Гайсанова бошчилигидаги комплекс бригадалар карбонбошилик қилишляпти.

А. ЖАББОРОВ,
«Узкопхозстрой» матбуот марказининг муҳбири.

ВETERАНГА ЭРГАШИБ

Ғалаба район бirlашмаси шофери, кенса коммунист Дадан Лўқматов қорхонанинг етатчи ишчиларидан саналади. Ветеран машина рулига ўтирганига ўттиз йилдан ошди. Ана шу ўтган вақт мобайнида Дадан ака қанчадан-қанча халқ ҳў-

жалиги юкларини манзилларига элтиб берганлигини ҳисоблаш қийин. Лекин кенса коммунист шу ўтган вақт ичида ўз тарбиялаб етиштирган шоғирларини яхши эслайди. Бугунги кунда уларни республикамизнинг турли автохўжаликларидида учратиш мумкин. Уларнинг кўпчилиги пешкадам ҳайдовчи, бригада бошлиқлари бўлиб етишганлар.

Шоғирларнинг энг кенжа

авлоди эса устоз билан бир коллективда меҳнат қилишайпти. Дадан аҳа хомон уларга намуна. У ойлик топиришларини 140—150 процентга етказиб ёш ҳамкасбларини ҳам зарбдорларга меҳнат қилишга даъват этади. Беш йиллигини муддатидан илгари бажаришга сўз берган тажрибали ҳайдовчи айни пайтда графикдан икки ой илгарилаб меҳнат қилаяпти.

А. АБДУСАТТОРОВ.

ОСИЕ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ЕЗУВЧИЛАРИНИНГ VII ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН



Эжен НЪГОМА
(Конго)
Бир йилгит бор эди,
Аниқроғи улар
Икита эди,
Уларни билардингиз,
Тез-тез мулоқотда

БИР ЙИГИТ БОР ЭДИ...

Бўлардингиз,
Сиз — Конгонинг
ороллари,
Соҳил тўқайзорлари,
Оқшомлари,
Сувда қалқинганда,
Порлаб, балқинганда,
Олис юлдузлар,
Ҳам чирой очганда
Кўкда оймон,
Қир-адирлар бўйлаб,
Икисини шу чоқ
Мудроқ дарахтларнинг
Ости, ўтлоқларини,
Ейиқ дарахтларнинг
Соқин қирғоқларини,
Яккаш кезарди,
Нималариндир
Уйларди ва ўзин
Мавҳум хаёллар

Оғушда сезарди,
Туида кўнган,
Сўниб йўқолган
Митти чўғларини
Кузатишарди,
Безан лабга элтиб
Қўлларини улар,
Нималариндир
Қичқиршарди,
Уларни фақат,
Бир-бирларидан
Сирли ва намхуш
Елғизлик, хилват
Ажратшарди,
У қичқирди
Жаноб бергандек,
Соҳибчангал уқий
Чўзиқ овоз билан
Акс садо бериб,
Ўрмондан пастлаб,

Улар боши устидан
Зулматда учиб,
Нохуш нидонде
такрорлар эди...
Бир йилгит бор эди...
Аниқроғи, улар
Икита эди,
Уларни билардингиз,
Уларни биргалликда
Қўрардингиз,
Сиз — Конгонинг
ороллари,
Соҳил тўқайзорлари,
Бир эди
халқан йилгит,
Ўзгаси эса
Сувдан акси, —
Қалқиб турарди,
Йўлаб қочган
Юлдуз нурдан,
Ойнак сувада
Аста шивирлаб,
балқиб турарди,
Русчадан таржима.

САНЪАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ФИНЛЯНДИЯДА ЎЗБЕКИСТОН ЖАМОЛИ

Финляндиянинг Куопио шаҳрида икки ҳафта мобайнида қатор чет эл мамлакатларидан келган рассомларнинг анъанавий ижодий учрашуви бўлиб ўтди. Совет Иттифоқидан борган меҳмонлар орасида республикамиз вакили — Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган санъат

арбоби, Бутуниттифоқ Ленин комсомол мукофоти лауреати Жавлон Умарбеков ҳам бор эди.

Одатга кўра бу ердаги ижодкорлар уйига келган рассомлар шахар ва унинг кишилари ҳақида асарлар яратадилар. Сўнгра муъжазгина кўрғазма ташкил қилинади.

Ижодий баҳслар, ўзаро таъриб алмаштириш анъанавий йилгитга яқин исайди.

Бу йилги программага бироз ўзгариш киритилди. Совет Иттифоқи, Польша, ГДР, Руминия, Куба рассомлари шахар мэрининг илтимосига кўра маҳаллий халқ уйи деворларини тасвирий санъат асарлари билан безади.

Жавлон Умарбеков москвалик ва псковлик ҳамкасблари билан биргаликда ре-

спубликамизнинг Самарқанд ҳамда Тошкент шаҳарларининг диққатга сазовор жойларини акс эттирувчи аjoyиб пейзаж яратди. Энди Куопиодаги халқ уйи асарлар гузаллашди, ўзига хос суратлар галереясига эга бўлди. Бу эса кўпчиликка эстетик завқ бағишлаш билан бирга, мамлакатлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлайди.

О. АПУХТИН.



САТИРА ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШДА

Тошкентлик бир гуруҳ рассомлар — Ўзбекистон ССР халқ рассоми Виктор Евенко, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Фарук Кагаров, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Борис Жуков, Михаил Калинин, Георгий Ткачев, Яков Тимирязев ва бошқалар 20 дан ортиқ замонавий мавзулардаги сийсий плакатлар ярат-

дилар. Уларнинг ҳар бир асари жаҳонда тинчлик учун курашга қақиради, уруш оловини ёқувчилар устидан нуқад.

Тошкентлик рассомларнинг янги асарларини махсус комиссия саралаб Москвага,

«Сатира тинчлик учун курашда» деб номланган IV Халқаро кўрғазмада иштирок эттишга тавсия қилди. Кўрғазма октябрь ойининг биринчи ярмида очилади.

О. ТОШПҲАТОВ.

● Яўдош Охунбоев номидаги республика ёш томошбинлар театри ўзининг янги мавсумини Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Р. Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романи асосида сахналаштирилган «Ўз уйингдасан» (М. Бобоев пьеса-си) спектаклини намойиш қилиш билан бошлади. Бу сахна асарида Улуғ Ватан уруши йилларида турли йиллар вақтида бўлган 16 нафар болани ўз тарбиясига олган Шомамудовлар оиласи ҳақида ҳикоя қилинади. Суратда: ана шу спектаклдан бир кўриниш.

Р. Нуриддинов фотоси.
(ЎЗАГ).

«ТАТРА»ЛАР ТОШКЕНТДА

Пойтахтнинг 2 минг йиллик юбилейи кунларида ҳар ҳисованқилиқ трамвайсоҳиллардан аjoyиб соғва олди. Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси ҳодимлари бугунги кунда ЧССР «Татра» трамвай вагонларидан фойдаланишмоқда. У ўзининг замонавий кўриниши, тез юрарилиги, юшмоқ ўриядиқлар билан аjoyиб туради. Уч эшлик вагон салоҳияти венгриялик ўриядиқлар. Тезорат «Татра» вагонлари тошкентликларга манзур бўлмоқда.

А. ЮСУПОВ.

БИЛДИРИШ

«Тошкент ҳақиқати» газети редакцияси ҳузуридаги ишчи-қиллоқ мухбирлари университетга тингловчилар қабул қилинмоқда.

Ўқиш икки йиллик, машғулотлар икки ҳафтада бир марта, юзма кунлари кеч соат 18 да ўтказилади.

Университетга қўйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади: ишчи қиллоқлар ҳақидаги хабар-хатлар, таъиннома, таржимаи ҳол, 3х4 ҳажмида икки та фотосурат.

Ҳужжатлар редакция биносида (14-қават, 13-хона) қабул қилинади. Пропуск бюросидан 5354 номерли телефонга қўнғирқ қилинсин. Сўраш учун телефон: 32-53-54.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ПАХТАКОРЛАРНИ МАДҲ ЭТАМИЗ

ОҲАНГАРОН район маданият уйининг бадий ҳаваскорларидан А. Қамбаров, А. Давлатов, А. Назарова икки этган кўшиқ ва рақслар, «Оҳанга-

рон» совхозни коллективига маъмул тушди. Айни кунларда район маданият уйи бадий ҳаваскорлари пахта йилги-термини мавсумига атаб янги про-

6 ЁШДАН 60 ЁШГАЧА

Сўлимгина бу шифохонада эрта тонгадоқ сузиш басейни, югуриш йўлчалари, массаж хоналари бирпасда ганжумлашиб қолади. Гимнастика майдонидида машқ бажарётганлар орасида 6-6 ёшли кичкинтойдан тортиб 60 ёшли кишилар, аёлларни ҳам учратиш мумкин.

Беморларга жисмоний тарбия усули билан шифо бахш этиш кўламини йилдан-

йилга ортмоқда. — дейди об-ласть физкультура диспансе-ри бosh врач А. Давлатов. — Утган йили 156 нафар бемор бу ердан ўз дардида даво топанг эди. Бу йил эса ҳозиргача областимизнинг турли районларидан келган 180 киши шифо топди.

Шамоллаш, шинастланиш туфайли бўйин мурутқаси, бел, оёқ, кўл нервлари тортишиб қолган, оёқ ости гўш-

М. ПЕЙСЕВОВ.



МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

● ЧИМ УСТИДА ХОК-КЕЙ. Мамлакат чемпионати-нинг олий лигасида иштирок этгаётган аёллар командалари навбатдаги ўйинларни ўтказиладилар. Бу сафар «По-литотдел» командаси турнир жадалини бошқариб бораёт-ган Борисполнинг «Колос» командасини қабул қилди. Биринчи учрашувда колхоз қизлари 3:1 ҳисобида ғалаба қозондилар. Тушларини Шел-

пова, Бабичева ва Анлар ки-ритдилар. Такрорий учрашув эса 1:0 ҳисобида меҳмонлар фойдасига ҳал бўлди.

● ПОЛИТОТДЕЛ. Командаси маъмур турдан сўнг ўз ҳисо-бидан оқоларини 35 тага етказди. У турнир жадалла-рини учинчи поғонасини ағал-лаб турбиди.

● ВОЛЕЙБОЛ. ГДРнинг бир қатор шахарларида во-лейбол бўйича Европа чем-пионати давом этмоқда. СССР аёллар терма коман-даси Котбус шаҳрида сара-лаш учрашувларини ўтқа-зишляпти. Қизларимиз бири-

чи учрашувда Югославия терма командаси устидан 3:1 ҳисобида ғалаба қозондилар. СССР терма ко-мандаси составида тошкент-лик Л. Макарина ҳам иш-тирок этмоқда.

● ФУТБОЛ. Олий лига ва-киллари мамлакат чемпионати-нинг навбатдаги тур ўйин-ларини ўтказиладилар. «Пахта-кор» Киевда «Динамо» ко-лективини билан учрашиб, 0:2 ҳисобида ютқазиб қўйди. Қолган учрашувларда қуйи-даги натижалар кайд этилди: «Металлист» — «Зенит» — 1:1, ЦСКА — «Динамо» (М) — 0:0, «Кальгирис» — «Нистру» — 5:0, «Динамо» (Ми) — «Черноморец» — 3:0, «Шахтёр» — «Днепр» — 1:3, «Арабат» — «Динамо» (Тб) — 1:1, «Торпедо» (Кт) — «Нефти» — 0:0.



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
СССР 50 ЙИЛЛИГИ НОМИ
«ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ»
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ
176-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

электрокар қайдоқчиси малакаси бўлган автослесарь, (билим юрти битирилганидан сўнг қайташ ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилади).

ЎҚИШ МУДДАТИ — 3 ЙИЛ. Ана шу ихтисосликка ўқитилганлар ётоқхона билан таъминланмайдилар: электрик, электргаз пайвандчиси, санавот ускуналарини ремонт қилувчи слесарь-механик, ОТК контролери, дурадзорлик. Ўқиш муддати — 3 йил: универсал фрезерчи, механик-йиғув ишлари слесари, электр кўприк қранларининг машинисти. Ўқиш муддати — 1 йил ва 3 йил: силли-ловчи, механик-йиғув ишлар бўйича слесарини малакаси бўлган синовчи-трактор қайдоқчи, ўқиш тугатгандан сўнг қайташ ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилади, электр пайвандчи. Ўқиш муддати — 1 йил.

Билим юртига тугаллаганлар тўлиқ ўрта маълумот тўғрисида диплом оладилар ва ҳунар ағаллайдилар, шунингдек, олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Барча қабул қилинганлар уч маҳал оғдат, кийим-бош, коржонка билан таъминланадилар, эҳтиёжи қўлланларга секция типидидаги ётоқхонадан жой берилади. Ўқиш жара-ёнида ишлаб чиқариш практикаси вақтида ишлаб топил-ган пулнинг бир қисми тўланади.

Билим юртининг жиҳозланган ўқув кабинетлари, устахоналари, стадиони, спорт зали, суз хавзаси ва ётоқ-хонаси бор. Эстрада, духовой ва миллий чолгу асбоблари ансамбллари мавжуд.

Билим юрти ҳузурида ДОСААФ спорт-техника мак-табнинг (маркетинг ва мотоспорт) филиали ишлаб тураб-ди. Ёзги вакиллик вақтида дам олиш учун Чорвоқ суз омбори районида соғломлаштириш-спорт лагери мавжуд.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим: директор номига ариза, тугилганли-ги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт (асли), маълумоти тўғрисида гувоҳнома; таржиман ҳоли, ишаш жойидан, ота-оналаридан бирининг иш жойидан справклар, ме-дицина справкиси (286-форма), 6 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида), характеристика.

АРИЗАЛАР СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ҒАЧА
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАН-
ГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Адрес: 700077, Тошкент шаҳри, «Ташавтомаш-1» массиви (1, 1-қ, 16, 24-автотўрларнинг Трактор за-води бекати; 6, 13, 22-трамвайларнинг «ТТЗ-4 массиви» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
193-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
8—10 СИНФНИ БИТИРГАНЛАРНИ ҲАМДА
СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ
ЎТАБ ҚАЙТГАНЛАРНИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Асбоблар ва радиоаппаратуралар монтажчиси, радио-аппаратураларни йиғувчи слесарь, токарь-револьверчи, фрезерчи, слесарь-асбобсоз.

8-синф ҳажмида маълумотлилар билим юртида уч йил ўқиб, ўрта маълумот оладилар ҳамда улар тўла давлат таъминотида бўлади. Ўрта маълумотлилар эса ҳар ойда 70 сўмдан стипендия билан таъминланадилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕХНАТ СТАЖИГА ҚўШИВ ҲИ-СОБЛАНАДИ.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар радиоэлектроника ва автоматика бўйича база техникум-ларига кириш имтиҳонларини қабул қилинадилар ёки политехника институтини филиалига кириб ўқиш учун йў-ланма билан таъминланадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, паспорт ёки тугилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, (асли), турар жойидан справна, 286-формадиги медицина справкиси, 3х4 см. ҳажмидаги 6 донга фотосурат, характеристика, автобио-графия.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор мас-сиви, 26-кўча. Радиоэлектроника ва автоматика тех-никуми биноси (8, 11, 12, 19-троллейбусларнинг сўнгги бекати, 50-автотўрнинг «20-квартал» бекати).

Ўзбекистон ССР Савдо министригининг

ТОШКЕНТ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1983—84 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Декоратор-безакчилар группаси ўз-ўзига хизмат кўр-сатувчи озиқ-овдат ва сановат моллари магазинлари учун мутахассислар тайёрлайди.

Ўқиш муддати — икки йил.
Кирувчилар расм чизиш ва рус тили (диктант) бўй-ича кириш имтиҳонлари топширадилар.

БУ ГРУППАГА ТўЛИҚ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ЎЗ-БЕКИСТОН ССР ШАҲАРЛАРИДА ЯШОВЧИ 25 ЁШ-ГАЧА БўЛГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Бошқа шахарлардан келганлар ётоқхона билан таъ-минланадилар.

Ўқувчиларга стипендия берилади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 ОКТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справна, таржиман ҳоли, 286-формали медицина справкиси, 3х4 см. катталикдаги 6 донга фото-сурат, характеристика, халқ депутатлари област Со-вети ижроия комитетининг савдо бошқармасидан ёки халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг савдо бўлиминдан йўланма.

Билим юрти адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Аннал Икромов райони, Бобур кўчаси, 3-уй (4, 8-трамвайлар-нинг «Чупонота», 13, 70-автотўрларнинг «Тез медицина ердами клиник касалхонаси» бекатлари). Телефон: 78-44-30.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

Тренировка қилиш учун мўлжалланган майдонда
21, 22, 25 ва 26 сентябрь кунлари
«А» класс биринчи лигаси командалари ўртасида

ХОККЕЙ

21, 22 СЕНТЯБРДА
«БИНОКОР» (Тошкент) — «ТОРПЕДО» (Тольятти)
25, 26 СЕНТЯБРДА
«БИНОКОР» (Тошкент) — «КРИСТАЛЛ» (Саратов)

Ўйинлар соат 18.30 да бошланади. Шанба ва якшанба кунлари соат 17.00 да бошланади.

Марказий «ЮБИЛЕЙ» спорт зали кассаларида билетлар сотилмоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун заявклар қабул қили-нади.

Справклар олиш учун телефонлар: касса — 46-03-12, 46-70-31; тренировка қилиш учун мўлжалланган майдон — 46-71-82; администратор: 46-07-53, 46-68-77.

ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОГИДА

25, 26 сентябрь кунлари
«МУШТУМ» журналининг 60 йиллик
юбилейи муносабати билан

КУЛГИ КЕЧАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Кечада «МУШТУМ» журнали ижодкорлари, ав-торлар, «табассум»чилар, Ш. ҒОЗИЕВ раҳбарли-гидаги «ХАНДА» ансамбли, хонандалар, аскиячи-лар, қизқичилар ва бошқалар қатнашадилар.
Кеча соат 20.00 да бошланади

ТРАНСПОРТ АГЕНТЛИГИ ҚИШЛОҚ МЕХНАТКАШЛАРИ ХИЗМАТИДА!

Ўзбекистонда олтин кўз фасли — мева-чевадар гарқ пилишдан ва ҳосил йиғиб-териб олинадиган жуда ҳам гў-зад бир палладир.

Ўзбекистоннинг саҳий қуёши мевалар ва сабзавотлар-нинг рангига-ранг, шарбатига шарбат қўшмоқда. Шаҳар бозорлари табиғатнинг мўл-кўл нозу-неъматидан янада фойдаланиб бўлиб кетган.

Бу бозорларда Хоразмнинг қовунларини, Наманганнинг олма ва узумини, Қўланнинг нок ва шифтолисини — ҳул-лас савоатли заманимиз ҳади эгаётган барча неъматлар-ни сотиб олиш мумкин. Сервонинг ва турли рангларга тўла бозорларда меваларнинг ҳушбўй ҳиди анчиқ туриб-ти, дурқун этилган ошқунлар мени олинг дейди.
Ана шу ранг-баранг тусли ва ҳидли нозу-неъматлар ҳамшаҳарларимизнинг дастурхонига уринмасдан етиб бо-риш учун қишлоқ меҳнатчилари мўл ҳосилини йиғиштириб олиш билан бирга уларни бозорларга ўз вақтида етказиб бормоқлари ҳам керак.

Бу ишда «ТАШОБЛТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ» бирлашмасининг транспорт-экспедиция агентлиги деҳқонларнинг энг яқин мададкоридир.

Ихтисослаштирилган автомобилларда томорқалардаги сабзавот ва мевалар ортиси ва тушириш ишларини бажар-иб бериш билан бозорларга етказиб берилади.

Транспорт агентликларида ва бозорларда жойлашган қабул пунктларида бевосита автомобилларга буюртма бе-риш мумкин.

ЎХРАТЛИ ҚИШЛОҚ МЕХНАТКАШЛАРИ!

«ТАШОБЛТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ» бирлашмаси ташкил этган Чиноз — Тошкент юк ташиш — пасса-сажир транспорт маршрути қишлоқ ҳўжалик маҳ-сулотларини қисқа вақтда Тошкент бозорларига етказиб келишда ёрдам беради.

ЧИНОЗ — ТОШКЕНТ янги юк ташиш — пасса-сажир маршрути хизматидан фойдаланинг.

«ЎЗТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ» бошқармасининг реклама ва ахборот агентлиги.



ВУГУН

МТ—1. 9.00 — «Время», 9.40 — «Юный техник» — 9.30, 10.10 — Концерт. 10.40 — Телеспек-такль. 11.20 — Концерт. 11.50 — Ҳужжатли фильмлар. 16.05 — Телеочерк. 16.35 — Ҳуж-жатли фильм. 16.50 — «Мух-бирларимиз ҳикоя қиладилар», 17.20 — «Ешлар адреслари», 17.35 — «Планета болалари дўстлашдилар», 18.30 — Ме-хнат интизомини мустаҳкамла-миз. 18.45 — Волейбол бўйи-ча Европа чемпионати. 19.15 — Дунё аюквалари. 19.30 — Кон-церт. 19.45 — «Кўл бўйида», Бадий фильм. 1-серия. 21.30 — «Время». 22.05 — Концерт. 23.25 — Дунё аюквалари. 23.40 — Спорт ҳафталиги.

МТ—II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 — Терик. 10.05 ва 11.30 — Француз тили 11.05 — «Кизил китоб» нима-лар ҳақида ҳикоя қилади? 11.35 ва 12.35 — Совет давла-ти ва ҳуқуқи асослари. 12.05 — Шахмат мактаби. 13.05 — И. А. Кривов масаллари. 14.00 — «Юлиус Фучик ҳақида ҳи-коя». 14.50 — «Совет Иттифо-қида хизмат қиламан». 15.50 — «Эстетик тарбия». 16.35 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Концерт. 19.20 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — В. А. Жукос-кий. 20.30 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 — «Звездочет». 21.30 — «Время». 22.05 — «Алтуни қарор қи-лади». Бадий фильм. 1-серия. 23.10 — Ҳужжатли фильм. 23.25 — Хоккей бўйича СССР чемпионати.

Давлат муассасалари на-саба союзи ҳодимларининг Тошкент област комитети Президиуми, партия ва на-саба союзи ташкилотлари област касса союзи коми-тетининг собиқ раиси, хиз-мат кўрсатган маданият хо-дими, республика аҳамаи-тидаги шахсий пенсионер Жолда Соҳиёнова

ГУЛОМОВНИНГ вафот этганлигини чуқур найгу билан билдириб, мар-хуманинг онла аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Енгил са-новат министригининг чар-галантерия ва спорт буюм-лари бирлашмаси коллекти-ви бирлашма бosh директо-ри С. Саидқаримовга онаси